

Da'vat

Биз ўзбекилимиздан фахрланамиз, гуруҳланамиз.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ

1931 йилдан чиқа бошлаган

1998 йил 29 август, шанба

Баҳоси сотувда эркин нархда

№ 66 (7063)

Ibrat

Муаллим Қурбон Ураббоев 300 га яқин укучисини авария ҳолатидаги мактабда қолдириб, нафақага чиқиб кетиши узга эл қурмади. У елиб-юғурди, Бахмал тумани Оққурғон қишлоғидаги янги, 240 ўринли мактаб ёнидаги ишга туширишда ташаббускор бўлди. Қириниш бундан 9 йил аввал бошланиб, тўхтаб қолган ёнидаги битказиллишида вилоят ва туман ҳокимлигининг мадади катта бўлди.

ХАЛҚИМИЗ ЖИПСЛИГИ — ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲАМ ИККИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Хурматли халқ депутатлари! Энг аввало, сизлар билан кутлуг айём — мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллиги арафасида дийдор қуришиб турганимиздан гоёт мамнун эканимизни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Шу кунларда утган даврда амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилиш, олимизда турган муаммолар ҳақида гапириш табиийдир. Шунингдек, мамлакатимиз ва унинг атрофида содир бўлаётган айрим хатарли ва кескин масалалар ҳақида ҳам сизлар билан фикр алмашиб оلسак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мен сизларнинг эътиборингизга ҳавола этмоқчи бўлган биринчи масала — бу демократик жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида қабул қилаётган қонунларимизнинг сузсиз бажарилишини таъминлаш масаласидир. Бугунги кунда барча муаммоларимиз қаторида бу масала энг долзарб вазифага айланмоқда.

Биз мамлакатимизда янги, мустақам ҳуқуқий замин яратилди, деб айтишга барча асосимиз бор. Бугун давлат:

- давлат қурилиши соҳасида;
- сиёсий тузумни шакллантириш ва жамиятнинг демократик асосларини вужудга келтириш, инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя этиш соҳасида;
- иқтисодни ислоҳ қилиш ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодини барпо этиш соҳасида;
- маънавий янгиланиш, маданият қурилиш соҳасида;

— ҳарбий кучларни қуриш, мамлакатнинг муҳофаза қудратини таъминлаш, чегараларни қуриқлаш ва умуман олганда, ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш соҳасида;

— халқаро муносабатларни барпо этиш, ташқи сиёсатнинг таъминини ва устувор йўналишларини шакллантириш, халқаро тузилмалар ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлик соҳасида қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг мукамал мажмуиға эгамиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий замин, халқаро экспертларнинг баҳоларига кўра, демократик ўзгаришлар ва бозор муносабатларига ўтаётган давлатлар олдига қўйиладиган энг юксак ва талабчан меъёрларга тула жавоб бера олади.

Қонунчилик соҳасида қилган улкан ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, авваламбор, сиз муҳтарам депутатларнинг хизматларингизни, қонун чиқарувчи юқори органимиз — Олий Мажлис ҳиссасини катта мамнуният билан эътироф этамиз.

Шу билан бирга, қонунчилик базасини вужудга келтириш буйича барча ишлар ниҳосига етган деб ҳисоблаш мумкин эмаслигини ҳам яхши биламиз.

Бу жараянни яна давом эттириш билан бир қаторда, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига давр тақозоси ва тўлганган тажриба асосида ўзгаришлар ва қўшимчалар ҳам киритмоқдамиз. Бир суз билан айтганда, ҳуқуқий



заминни мустақамлашга қаратилган оғир ва машаққатли, айтинч мумкинлиги, қундалик қора меҳнат амалга оширилмоқда. Бусиз ҳуқуқий давлат қуриш ҳақида гапиришнинг маъноси йўқ. Ишончимиз комилки, бугунги сессиямиз ҳам ҳуқуқий майдонни мустақамлашга, давлатимиз ва жамиятимизнинг шаклланиши ва ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади. Дарҳақиқат, бизда қонунчилик базаси юзага келмоқда. Қонунлар қабул қилинмоқда. Табиий савол туғилади: ҳуқ, улар қандай бажариляпти, қандай ижро этиляпти. Қонун қабул қилиш — бу илгун ярми ҳолос. Уларнинг ҳаётга тула таъбиқ қилинишига эришилш даркор. Бунинг учун қабул қилин-

ган қонунларнинг қундалик турмушимизда амалга ошишини таъминловчи таъсирчан механизм яратиш лозим.

Энг муҳими, шу қонунларнинг бажарилиши учун жавобгар бўлган ҳокимият тузилмаларининг масъулиятини ошириш зарур. Тан олиш керак: бу соҳада ҳали кўпгина камчилик-нуқсонлар борки, улар баъзан ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида амалга ошириладиган барча ишларни йўққа чиқариши мумкин. Бу нуқсонларни пухталик билан бартараф этиш шарт.

Энг муҳим муаммолардан бири — ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантиришга, ҳусусий мулк манфаатларини мустақамлашга қаратилган қонунчилик ҳужжатларини амалга оширишдан иборат.

Аввал зикр этилганидек, келажак тақдирини айнан шу масалага боғлиқ. Жамиятнинг асосини, унинг ижтимоий таркибининг ҳақиқий урта мулкдорларнинг кенг қатлами ташкил этган тақдирдагина жамият барқарор бўлади, тулаб-яшнайдди. Аниқ-равшан қуришиб турган бу ҳақиқатни бугун ҳеч ким инкор этолмайди.

Яқин тарихимизни сизга эсламоқчиман. Елнингизда бўлса, яқиндагина, мустақиллигининг дастлабки йилларида биз ҳусусий мулк тушунчаси билан боғлиқ барча нарса-

(Давоми 2-бетда)

БИРИНЧИ ҲАҚИРИҚ ҲЪБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲАМ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Биринчи ҳақириқ ҲЪБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ 28 АВГУСТА ТОШКЕНТДА ҲАМ БОШЛАДИ. Парламент сессияси ишида ҲЪБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ИШТИРОК ЭТМОҚДА. Мажлис залда Вазирилар Маҳкамасининг аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатия корпуси вакиллари, республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлганлар. Сессияни Олий Мажлис раиси Э. Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессия иши органи — котибхона тузди, кун тартибини тасдиқлади.

Депутатлар мандат комиссиясининг раиси Ш. Мирзеевнинг маърузасини тингладилар ва Олий Мажлиснинг янги сайланган депутатлари ва қонунчилик эълитрофи этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

ҲЪБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ СЕССИЯДА МАЪРУЗА ҚИЛДИ. Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси Э. Воҳидов Афғонистондаги ҳарбий-

сиёсий вазият кескинлашгани муносабати билан қўмитадга депутатларнинг тошйиринига биноан махсус баёнот қабул қилишни таклиф этди. Бу таклифни сўзга чиққан Миллий Тиклаш демократик партиясининг раиси И. Гафуров, ҲЪБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ўринбосари, ҲЪБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚўМИТАСИНING раиси Д. Гуломова, «Ҳуруний-жамгармаси Қашқадарё бўлими» фахрий раисининг раиси С. Усмонов, Сурхондарё вилояти Денос туманининг ҳокими Т. Менглиев, ҲЪБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ Қорақалпоғистон бўлими Тил ва адабиёт институтининг бўлим мудири Х. Ҳамидов қўлаб-қувватлади.

Парламент Олий Мажлис баёнотини қабул қилди, унда БМТ ва Жаҳон ҳамжамияти ва мамлакатда ҳунрезликни тухташти ва афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш йўлини излаш учун шовилчинч чоралар қуришга даъват этилган.

Парламентда биринчи ўқишда қуриб чиқилаётган ҲЪБЕКИСТОН РЕС-

ПУБЛИКАСИ УЙ-ҲОЙ КОДЕКСИ ЛОЙИҲАСИ Тўғрисида қонунчилик ва суд-ҳуқуқий масалалар қўмитаси раисининг ўринбосари Ф. Муҳитидинова маъруза қилди. Қурилиш ва уй-ҲОЙ-КОМУНАЛ хўжалик бўйича қўмита котиби Т. Усмонов қўлаб-қувватлади.

Кодекс лойиҳасини муҳокама қилишда Фарғона шаҳри ҳокими А. Муминов, Самарқанд тумани ҳокими Р. Ҳакимова, «Қамолот» республика Ешлар жамгармаси Қашқадарё бўлимининг раиси Б. Юсупов, Хоразм вилояти Богот тумани ҳокими Ш. Ҳужаниезова, Наманган вилояти Уйчи туманидаги «Ипакчи» акциядорлик жамиятининг раиси Т. Сатторов иштирок этди. Депутатлар уй-ҲОЙ кодекси лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари П. Қолдиров депутатларга «Эл-юрт ҳурмати» ордени ва «ҲЪБЕКИСТОН ИФТИХОРИ» фахрий унвони таъсис этиш тўғрисидаги

қонунлар лойиҳаларини тақдим қилди. ҲЪБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ СЌЗГА ЧИҚДИ. Давлатимиз бошлиғи республиканинг таъсис этилган янги муқофотларнинг чуқур моҳиятини, мустақил ҲЪБЕКИСТОН ДУКАРОЛАРИНИНГ ҳозирги ва келгуси авлодлар учун уларнинг улкан аҳамиятини ҳар томонлама тунгитириб берди. Бу муқофотлар билан, деди Президент, илмий асарлари ва ижодий истеъдод билан мамлакатнинг иқтисодий тараққитига ва жамиятимизнинг маънавий тикланишига қўмлашадиган, спорт соҳасида юксак ютуқлари билан ҲЪБЕКИСТОННИНГ обрўси ва шон-шўҳрати ортишига ёрдамлашадиган кишилар муқофотланади. Парламент маъзур муқофотларни таъсис этиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди.

Олий Мажлиснинг кечки йиғилиши давлат ер кадастри тўғрисидаги ҲЪБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИНИ ИККИНЧИ ўқишда қуриб чиқиб билан бошланди. Шу масала юзасидан агар, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг раиси Х. Тошев маъруза

қилди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Тошкент Давлат Аграр университетининг ректори Х. Буриев, Фарғона вилояти Бувайда туманининг ҳокими О. Назаров, Самарқанд вилояти Ургут туманининг ҳокими У. Маҳматуллоев иштирок этди. Парламент давлат Ер кадастри тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Иқтисодий ислоҳотлар ва таъбир-корликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошев халқ вакилларига банкотлик турғисида янги тақдирдаги қонун лойиҳасини тақдим қилди. Бухоро шаҳри ҳокими К. Қамолот, Чкалов номдаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамиятининг бош директори В. Кучеров, Самарқанд киме заводининг директори О. Қиличев, Тошкент вилоятидаги «Янгийул ер-мой» акциядорлик жамиятининг раиси М. Худоевров сўзга чиққаннан сўнг, депутатлар банкотлик тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар.

ҲЪБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ 29 АВГУСТА ҲАМ ИШИНИ ДАВОМ ЭТИРАДИ. (ЎЗА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНINI БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Давлат ва халқ олдидаги гоёт катта хизматлари, ҲЪБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҚАМЛАШ, ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШДАГИ УЛКАН ФАОЛИЯТИ, МАМЛАКАТ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЪТИДАГИ ФАОЛ ИШТИРОКИ, МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ГОЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ҚУШГАН САЛМОҚЛИ ҲИССАСИ ВА ҚАҲРАМОНОНА МЕҲНАТИ УЧУН ҚУЙИДАГИЛАРГА «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон - «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

Зиятов Парда — Жиззах тумани, Ҳамроқул Носиров номли жамоа хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи, Жиззах вилоти

Обидов Қобилжон Гафурович — Андижон вилоти ҳокими

Орипов Абдулла — ҲЪБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ, РЕСПУБЛИКА ЁЗУВЧИЛАР УЮМАСИ РАИСИ

Турдиев Жонсаид — Олмалиқ кон металлургия комбинати «Қолмақир» қони экскаватор машинисти, Тошкент вилоти

Қурбонов Анвар Сарманович — «Сирдарёжамиятқурилиш» га қарашли 49-кўчма механизациялашган колоннанинг бригада бошлиғи, Сирдарё вилоти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1998 йил 26 август

МУКОФОТ МУБОРАК!

ҲЪБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲЪБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ФАРМОНИГА БИНОАН Кўнчилик юртдошларимиз мамлакатимизнинг ордени, медаллари ҳамда фахрий унволлари билан тақдирланди. Улар орасида фан, таълимни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган фидоий зиёлиларимиз ҳам бор. Меҳнати муносиб қадрланган маърифат жоюқларини муқофотлар билан самимий муборакбад этамиз.

«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

АЛИЕВ Аҳмад Умарович — Тошкент давлат университети доцент

АЛИМОВ Валди — Тошкент педиатрия-тиббиёт институти профессори

АРИПОВ Уктам Арипович — 1 Тошкент давлат тиббиёт институти профессор-консультанти, академик

АҲМЕДОВ Карим Солиқович — Тошкент кимё-технология институти профессори, академик

ВАХОВА Уктам Каримовна — Самарқанд тиббиёт институти кафедра мудири

МАМАДАЛИЕВ Патхоҳон — Тошкент давлат консерваторияси профессори

МИРЗАЕВ Маҳмуд Мирзаевич — Богдорчилик, узумчи-

демияси шарқшунослик институти етакчи илмий ходими

ШАМУХАМЕДОВ Шоҳнам Маҳмудович — Тошкент давлат шарқшунослик институти профессори

ЯНБАЕВА Хуршида Ибниминновна — 1 Тошкент давлат тиббиёт институти профессор-консультанти

ҚОБУЛОВ Восил Қобулович — ҲЪБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Фанлар академиясининг академиги

ҚУЗИБОВЕВ Неймат Мирзабоевич — Қамолддин Бехзод номдаги Тошкент давлат миллий рассомчилик ва дизайн институти профессори

ҚУШЖОНОВ Матъёқуб — адабиётшунос

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

ДАЛИМОВ Тўрабек Нутманович — Тошкент давлат университети ректори, академик

ЖАЛИЛОВ Сайфиддин — Андижон давлат университети доцент

(Давоми 3-бетда)

Ассалому алайкум хўрматли Президентимиз ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

Биз учун энг сеvimли бўлган байрам — Ватанимиз мустақиллигининг етти йиллик тўн арафасида биз, Тошкент шаҳри меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари Сизга ушбу мактубни ёзишимиз.

Республикамиз Сизнинг бошчилигида катта ютуқларга эришадиганини муаллимларимиз сабоқларидан сезиб-билиб тураримиз. Айниқса, биз тарбияланувчиларга адоҳида меҳр эълан таътиланингиз учун Сизга катта раҳмат. Ҳўшимиз, дам олишимиз учун барча шайроилар маъзур. Тарбиячиларимиз ширинсиз, меҳрибон.

Айтмоқчи, Янги йил, Наврўз байрамларини ҳам жуда-жуда яхши кўраемиз. Қорбобо, Қорқиз иштирокидаги томошаларда маъза

МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ

қилиб уйнашимиз. Наврўзнинг сумалатидан тўйиб-тўйиб сиймиз. Айтишларича, сумалат тўйиб еганинг илги бақувват бўлар-миш. Айниқса, бу байрамларда бизга юборган совғаларингиз бир-маз тоғлики.

Бу йил ҳам ёз бўйи оромгоҳларда мириқиб дам олдик. Тоғларга чиқдик, сойларда чўмидик. Маъна энди, чиниқиб, кучга тўйиб билдимлар кунга тап-тайёр туришимиз. Бу йил яна бир синфга ўлайдик. Ақлимиз янада тўйишди. Сизга, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиш учун фақат «аъло» баҳоларига ўқинишимиз керак. Биз шунга ҳаракат қилаемиз.

Мақтубимиз сўнгиде Сизни Мустақиллик байрами билан таъриқлаймиз. Сизга узоқ умр, соғлиқ-саломатлик тилаймиз. Бизга бераётган эътиборингиз учун катта раҳмат. Бахтимизга ҳаминча омон бўлинг!

Тошкент шаҳридаги 21, 24-меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари: Нодира ТОШҲУЖАЕВА, Азиз ЙўЛЧИЕВ, Снежана МЕРКУЛОВА, Алишер МАҲМУДОВ, Озода АЗИЗҲУЖАЕВА, Зафар ҲАРИМОВ, Алиса СЛУЖАЕВА, Евгений МАРАФИН

МУСТАҚИЛЛИК ДАРСИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Бир кунда қўшалок байрамни нишонлаш ҳам катта бахт. Агар унинг соҳибларини бахтиёр инсонлар деб атайдиган бўлсак, у ҳолда улар қаторига уқитувчилар, уқувчилар ҳам қиради. Чунки уларга шундайин тақдир насиб этган. «Ортимизнинг энг улду байрами — Мустақиллик қуни ва улар ортиқ-қилли кутган байрам — Билимлар қунини бир кунда тантана қилишди.

Бунга қарантки, 2 сентябрь қуни бошлангандаги биринчи дарс ҳам байрам. Бу дарс «Мустақиллик дарси» бўлади. Мустақиллик каломини байрамдан бошқача аташ мумкинми? Дарс ҲЪБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ давлат маҳфияси билан бошланади. Унга туйтулар оҳанги жур бўлиб, юракларда гурур, қўзларда

ифтихор жилоланади. Яъни синфда байрамона кайфият тула ҳўкмон.

Уқувчиларга Ватанимизнинг умтиши, шундайин дорилмон кунлар орзусида буюк аждоқларимизнинг армони, курашлари ҳикоя қилинади. Истиқлолдан кейинги етти йил ичида мамлакатимизнинг қўлга қиритган улкан ютуқлари, дуненинг ҲЪБЕКИСТОННИ ВА ҲЪБЕКИСТОННИНГ дунени таниши борасида суҳбат барчани узига жалб этади.

Давлатимизнинг рамзий белгилари — байроқ, герб, маҳфия ҳақидаги билимлар эсга олиқилиб келинади. Меҳнаткаш халқимиз, табиий бойликларимиз, гузал улкамиз ҳақидаги тасаввурлар бойитилади.

Мустақиллик дегани бола тушунчасида нимани англатади? Қизгин баҳс, мунозарага

чорловчи бу мавзу муҳокамаида ҳеч қайси укуччи четда қололмайди. Ҳар ким мустақиллик ҳақидаги мустақил фикрини, билимини тортинмасдан айта билиши ва шунга урганиши бунга тақозо этади.

Бу йил истиқлол тенгдошлари мактаб остонасига қадам қўйишди. Шу кундан бошлаб улар дунесида янги дунё бошланди. Ҳар қурган, эшитган нарасида бир олам таассурот бор. Уларнинг мактабда биринчи қургани ҳам мустақиллик бўлди, эшитгани ҳам мустақиллик бўлди.

«Мустақиллик дарси»ни бир укуч йилига тагиғулик қилиб ўтказиш яна уқитувчилардан касбий маҳорат, юрта садоқатни талаб этади.

Рустам БЎРОНОВ

МУКОФОТ МУБОРАК!

(Боши 1-бетда)

КАРИМҚУЛОВ Анарбой - Наманган вилояти Поп тумани 6-касб-хунар мактаби хунарманд ишлаб чиқариш устаси

КОМИЛОВ Нажмиддин — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг илмий ишлар бўйича проректори

ПОПОВИЧ Тамара Афанасьевна — Успенский номидаги мусиқа мактаби ўқитувчиси

ТЎРАЕВ Назар Йўлдошев - Термиз давлат университети ректори

ЮЛДОШЕВ Шохназар Ражабович — Хоразм вилояти Хонқа тумани Олажа қишлоғидаги 32-умумтаълим мактаби директори

ҚОСИМОВ Шердил — Жиззах вилояти Фориш тумани Ҳамза номидаги мактаб мусиқа ўқитувчиси

«ДУՎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

АБРАМОВ Манаше Мишаевич — Самарқанд давлат университети кафедра муdiri

ГРИГОРЬЕВ Олег Эдуардович — альпинизм ва қояларга чиқиш бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия уринбосарлари болалар-ўсмирлар мактабининг катта мурабийси

ЛУКОМСКАЯ Галина Алексеевна - Ўзбекистон рангли металлор илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институти сектор бошлиғи

СИДИКОВА Татьяна Егоровна — Жиззах вилояти Пахтақор тумани халқ таълими бўлими услубиёт хонаси мудири

ФАТКУЛЛИН Камил Махмудович — спорт яққа қурашлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг юнон-рум кураши бўйича катта мурабийси

I ДАРАЖАЛИ «СОГЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

АВАКОВ Вячеслав Ерандович — II Тошкент давлат тиббиёт институти кафедра муdiri

АЛЛАЁРОВ Яхшино Норбобоевич — Самарқанд тиббиёт коллежи директори

НИШОНОВА Мақсуда Эргашевна - Андижон вилояти Қўрғонтепа болалар мурувват уйи тарбиячиси

ШАРИПОВА Дилора Джуманиязовна — Тошкент давлат педагогика университети кафедра муdiri

ЮСУБОВ Бағбек - Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги I-сон иқтидорли болалар лицейи ўқитувчиси

II ДАРАЖАЛИ «СОГЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

АБДУЛЛАЕВА Раъно Пулатбаевна — Наманган шаҳридаги «Олмадон» номи 32-болалар боғчаси тарбиячиси

АБДУЛЛАЕВА Сўймахон — Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани I-сон болалар боғчаси тарбиячиси

БАРАТОВА Карима Нурматовна — Фарғона шаҳар болалар мурувват уйи бош тарбиячиси

ТУРОПОВА Дилором Кузиевна — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар болалар мурувват уйи энагаси

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

БАХРАНОВА Сангча Нажмидиновна — Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи

БОЗОРОВА Зулайҳо Рустамовна — Навоий вилояти Навбахор тумани Завқий номидаги мактаб ўқитувчиси

ЗОҲИДОВ Пулат Шохидович — Санъатшунослик илмий тадқиқот институти бўлим муdiri

МАТРАСУЛОВ Шихназар — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтининг Хоразм минтақавий бўлими бошлиғи

НАБИШЕВ Дильшод Пардаевич — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази бўлим бошлиғи

НАЗАРОВА Гулчехра Газиевна — Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедра муdiri

НИШОНОВ Аҳрам Ҳасанович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Кибернетика институти лаборатория муdiri

ОРИПХЎЖАЕВА Феруза Ахборовна - II Тошкент давлат тиббиёт институти доктранти

РЎЗИЕВ Эркин Искандарович — Урганч давлат уни-

верситети кафедра муdiri

СОКОЛОВ Сергей Борисович — альпинизм ва қояларга чиқиш бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия уринбосарлари мактаби Фарғона булимнинг альпинизм бўйича мурабий-ўқитувчиси

ТЎЛАГАНОВА Ирода Ботировна — Тошкент шаҳар 220-ўрта мактаб ўқувчиси

ТУХВАТУЛЛИН Ильяс Хамидович — альпинизм ва қояларга чиқиш бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия уринбосарлари болалар-ўсмирлар мактабининг мурабий-ўқитувчиси

УРАЗОВ Раҳматулла Ашуралевич — Сирдарё вилояти Бобувт тумани лицейи математика ўқитувчиси

ХЎЖАЕВА Ольга Викторовна — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти спортчи-йўриқчиси

ҲАМИДОВ Хусниддин — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимнинг Тил ва адабиёт институти бўлим муdiri

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН АРБОБИ»

КАРИМОВ Ҳомид Ёқубович — II Тошкент давлат тиббиёт институти ректори

СОЛИХОВ Шавкат Исмоилович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси биорганик кимё институти директори, академик

УСМОНОВ Файзулла Асадуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Геология ва геофизика институти директори, академик

ШОДИЕВ Даврон — Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти директори уринбосари

ҒАРИБ Фироз Юсупович — Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-текшириш институти директори

ҚОСИМОВА Карима — Республика таълим марказининг бошланғич таълим бўйича илмий-методик кенгаши раиси

«ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ»

ЗОКИРОВ Лазизбек Мамажонович — Жиззах вилояти Жиззах тумани 36-ўрта мактабининг жисмоний тарбия ўқитувчиси, бокс бўйича Жаҳон Кубоги ўйинлари голиби

ХОДЖАЕВ Шухрат Хуршидович — Бухоро вилояти 2-ихтисослаштирилган бо-

лалар-ўсмирлар олимпия уринбосарлари мактабининг самбо бўйича мурабийси, Жаҳон чемпиони, самбо бўйича Жаҳон Кубоги ўйинлари голиби

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ШОИРИ»

НИЗОМОВ Тўлан (Тўлан Низо) — Андижон вилояти Бўз педагогика бил-лим юрти директори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАБИЙСИ»

ИСЛОМОВ Тоир Илхомович — М. Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти кафедра муdiri

МАМАТҚУЛОВ ШУКРЖОН

— Андижон банк коллежи директори

МАТЧОНОВ Джақилиқ Сейтжанович — Қорақалпоқ иқтисод ва тадбиркорлик коллежи директори

ҒУЛОМОВ Мирҳабиб Мирҳамедович — Халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш марказий институти кафедра муdiri

ҒУЛОМОВ Ражабол — Самарқанд давлат университети қошидаги лицей директори уринбосари

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

АТАБАЕВА Ҳалима Назаровна — Тошкент давлат аграр университети кафедра муdiri

АХРАРОВА Масуда — Андижон вилояти Шахрихон сервис ва тадбиркорлик технология коллежи бўлим муdiri

ДЖУМАМУРАТОВ Женисбай Шарипович — Қорақалпоғистон кўп ихтисосли педагогика лицейи директори

МУХИТДИНОВ Мухсинжон — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори

САМАТОВ Самё - Гулистон давлат университети қошидаги лицей директори

ФОЗИЛОВА Сожида — Сурхондарё вилояти Узун тумани 3-ўрта мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Dil izhori MUHABBAR HUR

Истиклолни Момо Қуешга қислаган келди. Негаки, у юртимизни хар тарафлама нурга чулғди. Нурки, боқий, мунаввар. Шойрона ташбехлар бу зиёга тенг келолмас. Бир олим сифатида мустақилликка баҳо беришга, албатта, ҳақлиман. Зеро, унинг илм-маърифат оламини берган тортиқлари беҳад кўп.

Университетимиз ҳаётида мустақиллик неъматлари қандай бўй кўрсатмоқда? Мен бунинг аввало, хорижий давлатлар билан мустақам алоқа урнатилганда қуръман. Таққослашда кўп нарсани ойдинлашди.

Фиркага фикр уланди, деганларидек, собиқ иттифок даврида юртимиздаги бирорта ўқув юртининг хорижий давлатлар билан ҳамкорлиги йўқ эди. Менинг фикрим янги гап эмас, лекин пойтахтдан олибда жойлашган дорил-фунунимизнинг Америка, Англия, Германия, Голландия, Хиндистон, Туркия каби давлатлар билан алоқа урнатилиши жуда катта ютуқдир.

Талабаларимиздан Гузал Расуллова халқаро маркестин мутахассислиги бўйича Нью-Йорк штатининг Пейс уни-верситетига ўқиб келди. Чет тиллар факультетидан Собир Ражабов Калкутта университетига турт ой таъсил олиш бахтига муяссар бўлди. Профессор-ўқитувчилардан Вайдулла Жуманов, Абдуҳаким Алиқуловлар Лондон шаҳрида малакаларини ошириб қайтишди.

Умуман олганда, чет давлатлар ҳам бизники сингари юрт. Лекин улар билан яқинлик, барибир, бизга самара келтирди. Олий таълим даргоҳларида ишлаётган ўқитувчи ва талабалар ҳаётини четдан ҳолисона кузатиш бизнинг ўз ишмига янада чуқурроқ ендашувимизни талаб қилди. Демак, мустақилликнинг бу имкониятини мумкин қадар қайтарганимиз, янада кенгайтиришимиз керак.

Музаффар РАЖАБОВ, Қарши Давлат университети маънавий-маърифий ишлар бўлими муdiri, фалсафа фанлари номзоди

Istiqlol in'omlari ЭЪТИРОФ

Истиқлолнинг ишомлари кўп. Бу, аввало миллий тикла-нишда кўрилади. Таълим, санъат, адабиёт, урф-одамлари-мизга миллий руҳини қайтадан кириб келиши шу тикланиш ишвиқосидир.

1991 йил — Ватанимиз тарихидаги унутилмас ва шонли сана экалгани фахр-ифтихор билан эътироф этмоқда-миз. Тошкент Давлат шарқшунослик институти ҳам иштиқлол тенгдошидир. Бинобарин, бу даргоҳнинг ташкил топанга ҳам етти йил тўлди.

Ана шу муносабат билан биз институти ректори, Олий Мажлис депутати, ЎзФА мухбир асоси, филология фанлари доктори, профессор Неъматулла Иброҳимович сўхбатга тортидик.

— Неъматулла Иброҳимович, шарқшунослик институтининг очилишидан кўзланган мақсад нима?

— Шарқ халқлари маданияти ва илму фани жуда бой. Халқимиз ҳам шуларнинг бир вакили. Демак, уларни бир-бирдан ажратган ҳолда урганиш ярамайди. Аммо шулардан дарида маданиятимизни урганишга бошқача муносабат вужудга келган эди.

Ўзбек халқининг мустақилликка эришгани улкан тарихий ютуқ экалганини таъбирсангиз, айримларнинг энаси қотади. Ваҳоланки, истиқлол бизга ўз маданиятимизни, тарихимизни қайтариб берди. Мен институти-мизнинг ташкил топиши бунга мисол сифатида келтиришим мумкин. 1991 йилнинг 15 июлида Вазирлар Маҳкамасининг махусе қарори билан Тошкент Давлат шарқшунослик институти вужудга келди.

— Институтигизда шарқ тилларининг нечтасини урганиш имконияти бор?

— Саволингиз табиий ва уринли. Бизда ҳозирги вақтда 1237 нафар талаба тахсил олмақда. Бу йилги тест натижаларига мувофиқ 465 нафар талаба қабул қилинди. Араб, форс, урду, хинд, пушту, турк, япон, корейс, уйғур, ларий, хитой, тамил каби Шарқ тилларини институти-мизда мукаммал урганиш имконияти яратилган. Бундан ташқари ишлиз, испан, француз тилларини ҳам урганиш мумкин.

Шу уринда элчихоналар, турли жамғармаларнинг бево-сита кумаги билан институти-мизда 10 нафар ортиқ жаҳон тилларидаги 20 минг жилд китоблан иборат кутубхона ташкил этилганини таъкиллаб ўтишим керак. Бунинг 6 минг жилди япон, 8 минг ишлиз, 3 минг жилди хитой, 10 минг жилди корейс, араб, форс тилларидаги китоблардир. Бу ҳазилакам ҳазина эмас.

— Уларни урганиш, тадқиқ этиш қандай олиб борилапти?

— Биз тилимизнинг янги-гиллаш, тақомиллаштириш та-рафдоримиз. Чунки бу соҳада қотиб туриш ярамайди, у муттасил равишда замон руҳи-га мослиниб, янгилашиб бори-ши керак. Қурияшунослик, японшунослик, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти, халқаро алоқалар, маъна-шунослик каби янги кафедраларнинг очилганини қувонч билан таъкиллаб қиламан. Етарли даражадаги компьютер базаси-га эгамиз.

Кўзлемалар Шарқ цивилизациясининг еркин кузгуси. Улар, назаримда, жонсизу аммо сузлашга қодир манба-лардир. Шарқшунослар олди-да, эҳ-е, қанча вазиқалар ту-рибди. Республика ҳудудиди мавжуд булган барча кутубхо-налар фондидаги кўзлемалар-нинг тугал қушимча каталоги-



Тантанала ТШХТББ ва Шайхонтоҳур туман ХТБ мактабига таълим бўлими мутахассислари, боғча мудирлари, тарбиячилар, ота-оналар иштирок этилди. Байрам шодиясизда 468-607-болалар боғчаларини жажжи ҳаваскорлари қўниқ, шеър ва рақслари билан йнгила-валарни табриқлашди.

БАЙРАМ АРАФАСИДАГИ БАЙРАМ

Республикамизнинг етти йил-лик байрами арафасида пойтахт-даги мактабга таълим муассас-лари сон яна биттага қўшилди. Шайхонтоҳур туманининг Қора-тон мавзесида 2 қаватли, 185 ўринли болалар боғчаси қў-ғилди. Мазкур кичиктойлар макса-сини 159-қурилиш трести 70-қурилиш бошқармасининг қўли ту-ла қурувчилари бунёд этилди.

Замонавий қурилган болалар боғчасида кичиктойларнинг таъ-лим-тарбия олишлари учун барча қулайликлар мавжуд. Кенг ва ёру-қ

маншудот ўтказили, дам олиш, му-сика хоналари ҳамда табиат музейи, спорт майдончаси ўз эгаларига му-таазир.

Қули кечга қарай, сурнай, ноно-ра, доира салолари остида мухтапам таълим-тарбия қопонасининг очи-лиш маросими бўлиди. Тантанали туман халқ таълими бўлими муdiri Раҳман Усмоновков кириш сузи би-лан очиб, табриқ учун сузи туман ҳокими Абдуҳақдор Тўхтаевга бер-ди.

У барчани Мустақиллик байра-ми билан қутлар экан, боғча бунёд-

корларининг филоқорона меҳнатла-ри учун ташаккур билдирди. Мас-канинг остонаси ҳамина кутул-бўлишини тилаб қолди.

Анжуманда Республика халқ таъ-лими вазирлиги мактабига таълим бошқармаси бошлиғи Ҳамда Ахме-дова суза чиқиб, «Таълим тўғриси-да»ги Қовун ҳамда «Қалдар тайр-лаш миллий дастури»ни амалга оши-риш, кичиктойларни бутуғли қул талабалари даражасида, замонаг мос тарбиялашни, мазкур максаб таъри-ба-сивон майдончаларига айлан-ти-рини янгат қилди.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Суратда: 112-болалар боғча-си очилиш маросимидан лавҳа акс этган. В.КИРИЛЛОВ олган сурат

Yangicha usul

МУҲИМИ БАЛЛ ЭМАС, КЎРСАТКИЧ

Янги педагогик технология-ларни, ўқувчилар билимининг назорат қилишнинг рейтинг тизимини ўқув амалиёти жа-равнига жорий қилиш мақса-дида ОУМТ вазирлигининг УМКХТ маркази ташаббуси билан 1998-1999 ўқув йилида ташкил қилинган академик лицей ва касб-хунар коллеж-ларининг ўқув ишлари бўйи-ча директор муовинлари учун «Янги педагогик технология, ҳамда ўқувчиларнинг билим даражасини назорат қилиш-нинг рейтинг тизими» мавзу-сида икки кунлик ўқув курсла-ри ташкил этилди.

Ушбу курсларнинг дастлаб-ки машғулоти Қорақалпоғ-истон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари вакил-лари иштирокида Хива шаҳ-ридаги педагогика билим юр-тида ўтказилди.

Сунг пойтахтимиздаги Урта

махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш институтида Самарқанд, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари ва Тош-кент шаҳридаги касб-хунар таъ-лими ходимларининг ушбу мав-зуда амалий семинари бўлиб ўтди.

УМКХТ маркази коллежлар бошқармаси бош мутахассис-лари - Асқар Абдуллаев ва За-фар Сатторовлар ўқув амалиё-ти жараёнига янги педагогик технологияларни, ўқувчилар билимининг назорат қилишнинг рейтинг тизимини жорий қилиш, бу борадаги хорижий ва МДҲ мамлакатларидаги таж-рибалар хусусида тўхтади.

Семинарнинг иккинчи кун ишохасида мазкур курс тинглов-чиларининг ўқитиш курси бўйи-ча олган билимларини мустақ-камлаш мақсадида тест синов-лари ўтказилди.

Мазкур курс, тингловчилар-

нинг таъкидлашича, шу тариқа барча амалий тадбирлар тез-тез ва айна жойларда ўткази-либ турилса, айна муддао бўлади.

Шунингдек, семинар ишти-рокчилари касб-хунар таълими соҳасидаги рейтинг тизими умумий ўрта таълим муассас-саларидагидан қайси жиҳатла-ри билан фарқлангани, унинг узига хосликлари, таълим жа-равнидаги жорий, оралиқ ва яқуний назоратларнинг ўз вақ-тида ўтказилишининг афзал-ликлари хусусида ҳам узаро баҳс-лашди. Семинар иши-ни олиб борувчилар рейтинг тизимида фақат балл ортидан қувшининг самара бермасли-ги, асосий диққат-этибор ўқувчининг рейтингини умумий курсаткичини қанчалик яхши-лашга қаратилмоғи зарурлиги-ни таъкидлашди.

Нурлан УСМОНОВ, «Маърифат» мухбири

Минглаб абитуриентлар-нинг билим даражасини чи-ғридан ўтказувчи тест нати-жаларининг эъло қилинган-га бир ҳафта бўлди. Ҳўн, 1998 йилги натижалар қишга қан-дай хулосалар беради? Абиту-риентнинг билим даражаси адолатли баҳоланганими? Шу ва шу каби саволларга жавоб топши учун мухбиримиз Дав-лат Тест Маркази директо-ри уринбосари Маҳмуд Тўхтаев билан сўхбатлашди.

— Маҳмуд ака, аввало, республикамиз олий ўқув юр-тларига ҳужжат топширган абитуриентларнинг сон ва сиф-ат даражасига тўхтасангиз?

— Фидалилар билан қўшиб ҳисоблаганда, республика бўйича 74 та олий ўқув юрти мавжуд. Абитуриент гуеки очилмаган тилсим. Уларнинг айримлари узига ҳаддан ташқари ишонанди, бошқа бирлари ҳадисирайди, учинчи тоифадаги тил ва вақалчиликни яхши қуради. Булардан қатъи назар, биз

қобилиятли, сиёсий жиҳатдан етук, идрокли, ҳар қандай ва-зиятга шай абитуриентларни олий ўқув юртига қабул қилишимиз керак.

— Шундай бир савол ту-ғилиши табиий. Қайси мута-хассисликларга даъвогарлар кўпроқ бўлди?

НАТИЖАЛАР ҚАНДАЙ БЎЛДИ?

— Бу замон талабими еки ешларнинг хоши-иродаси би-лан боғлиқми, ҳуқуқшунос-лик, халқаро иқтисодий ало-қалар, табобат, молия-иқтисо-диёт соҳаларига ҳужжатлар тулиб кетди. Бу менимча, бо-зор иқтисодига тобора қуқур кириб боретган мамлакатми-зич учун кўпроқ керакли их-тисодиқлар.

— Ўтган 1997 йил билан бу йилги тест натижалари ораси-

даги фарқ қандай?

— Баллар ўз-ўзидан, балки табиий равишда усди. Бу тах-минан 20 фоизни ташкил қил-ди.

— Кириш баллари белги-лаб қўйилганими, ёки ...

— Йўқ, кириш балларини олдиндан белгилаб қўйиш

тест талабларига зиддир. Бу қандайдир табиий жараён. Яъни абитуриентларни тала-баликка қабул қилишда етди юқори балдан паства қараб тушилади.

— Ҳўн, қайси ўқув юр-тларида кириш баллари максимал даражада бўлди, деб ҳисоблай-сиз?

— Ҳуқуқшунослик институ-тига ҳужжат топширган Тош-кент шаҳридаги 24-мактаб

Tahlil

битирувчиси Азизжон Назаров, иқтисодиёт соҳаси бўйи-ча БухДўга ҳужжат топшир-ган Аъзам Тошпулатов, (Бу-хоро шаҳридаги 2-мактаб) Са-марқанд кооператив институ-тига киришни хоҳлаган Лола Рузиева (Самарқанд шаҳри-даги 1-мактаб), Рауф Амрид-динов (Самарқанд шаҳрида-ги 1-мактаб) лар энг максим-ал, яъни 226,8 балл тулиб, рекорд натижа қураганидир. Бу нимани ифодалайди? Ешлар бир-бирдан ўзмоқда, улар замон билан ҳамфикр, ҳамнафас.

— Баллар эълон қилинган-ч, норози бўлганлар ҳам кела бошлагандир?

— Давро аризалари устма-уст тушмоқда. Апенелаяция хонаси эрталан кечга қалар очиқ. Давро аризаларига му-вофиқ абитуриент ичкарига киригилиб, экспертлар ишти-рокида ўз белгиланган жано-ларини текшириб қуришга ҳақли.

Ochiq muloqot

ОШКОРА РУҲДА ЎТДИ

Ўзбекистон Миллий матбу-от маркази уюштирган жур-налистларнинг навбатдаги очиқ мuloқоти Ўзбекистон Рес-публикаси меҳнат вазири Оқил-лон Обилов ва вази урин-босари Ботир Алимҳамедов-лар билан ўтказилди.

Мулоқотда журналистлар томонидан вазир ва унинг уринбосарига берилган савол-лар республикамиздаги ишчи-лик муаммолари, меҳнат му-воҳазаси, ижтимоий ҳимо-во, балоғатта етмаганлардан но-қуний равишда ишчи куши сифатида фойдаланиш ҳолла-ри, маошнинг ўз вақтида бера-ол-мавган ташкилот ва муассас-салар фаолияти масалалари мавзуда бўлди.

Очиқ мuloқот узининг ош-қора руҳда ўтганини, жавоблар ўз эгаларини қонқирганини билан журналистларга анча маъқул бўлди.

Норали АСЛОН

ВАТАНИМ

Ўзбекистон номинг улуғ, сенсан она-Ватаним, Шухратинга кўксим тўлиғ, ўзингсан жону таним. Саодатинг мен куйлайман, дилдан суйиб мадҳиянғ, Азим диёр пойинг қутлуг, посбонимсан Ватаним.

Темурга ворис бўлган халқ салтанат ўзингсан, Мир Алишер куйлаб ўтган Шоҳ адалат ўзингсан. Ал-Бухорий нур элдирган пире давлат ўзингсан, Маърифатга азалий бой, маконимсан Ватаним.

Илму Турон бонг уради кўхна дунё қаъридан, Ал-Берунийдек бобомлар зиё сочар бағрингдан. Ал-Фарғоний кашфиёти илму фанинғ мағзидан, Улутбек юлдузи порлар, осмонимсан Ватаним.

Булбул сайрар боғларингда, гул васлидан бўлиб маст, Асалдек тотли мевалар, кўёшинг тафти пайваст. Гузал ой боқар маҳлиё зар тоғларинг забардаст, Жамолинга шайдо олам, бўстонимсан Ватаним.

Мағрур халқинг жўш, филокор, бу кун қураб келажак, Тараққиёт эзгу ниёт, тахтинг юксак бўлажак. Камол тошгай маънавият, юртлар ибрат олажак, Истиқдолинг мангу ёрди, достонимсан Ватаним.

Абдураим ПАРДАБОВЕВ, Жиззах вилояти, Бахмал туманидаги 36-мактаб



Ko'ngil bitiklari

БИРИНЧИ СЕНТЯБРЬ

Мақтаб кучоғига қайтдингиз яна, Яна сизлар билан учрашмоқдамиз. 1 сентябрь - бу бахтли сана, Юракдан энтикар ҳар бир йигит-қиз. Ушбу кун юртимнинг ҳар бурчағида Янғрайди кўш карнай байрам садоси, Истиклол шаънига, юртбошимизга Тинмас боболарнинг айтган дуоси. Тадбиркор, фидойи, қомусий инсон Хурриятни тиклади, тўқмай қатра қон. Беш ўғил бахтини бирликда кўрар, Қаддини ростлаётган она-Туркистон! Мана Сиз турибсиз қувонч-ла ёниб, Кўлингизда китоб, дафтар ва қалам. Табарруқ боболар руҳи уйғониб, «Ўқи! - дер,— ҳеч қачон ғам кўрмай, болам».

Мурод НЕЪМАТ, Фарғона Давлат университети ўқитувчиси

Xullas...

41 ЙИЛДАН СЎНГ

Ҳамма билмас ҳам, қўпчиликда маълумки, АҚШ гербида Шимолий Американинг мағрур куши - оқ бошли сув бургути тасвирланган. У қанот ёйганда 2,5 метрга етади. Бироқ унинг гербаги тушиши анча қаршиликларга учраган. Собиқ давлат президенти Бенджамин Франклин (1706-1790 йиллар) бунга норозилик билдирганди. У қизига Ўзган хатида шундай деган: «Оқ бошли сув бургутини бу мақсадда қўлламасликларини хоҳлардим». Қизиги шундаки, бутун давлат қозғоғлари, герб муҳрларида тасдиқланган расм нотугри ишланган экан. Қуринишидан қўш панжаси оёғининг пастки қисмигача пат билан қопланган. 41 йилдан сўнг бу хато топилди. Ва ҳамма жойларда турриланди. Фақат 20 долларлик тангининг бир томонида ҳозирга қадар сув бургути урнига оддий бургут жамолини қўзқуз қилиб турибди.

БАС КЕЛИШ ҚИЙИН БЎЛМОҚДА

Кейптаундан (ЖАР) узоқроқда жойлашган Токай шаҳарчаси аҳолиси маймунлар тудаси билан қаттиқ жанг олиб бормоқда. Маймуни тушмағрурларнинг 150 таси томорқа ва полиз экинларига хуруж қилишарди. Тоқайликлар ултра не бир тадбирларни қўллашмади. Иккита итумушқ маймунини ўлдириб, уларнинг танасини бошқаларига намуна қилиш учун дархастга осиб қўйишди. Бу ҳам наф бермади. Биттисини тутиб олиши, оқ ранга буюб қўйиб юборишди. Олишув давом этверди. Тоқайликлар охири очикдан-очик химояга утишди. Уларга уз экинзорларини ҳар хил тусиклар билан тусиб олишдан бошқа чора қолмади.

ЭРКАКЛАР ҚАРЗИ

Канадада инсон ҳуқуқларини химоя қилиш комиссиясининг матни босиб чиқарилиди. Унда турстилишича, қўп йиллардан буён давлат ҳизматида ишлайган аёллар худди шу соҳадаги эркаклардан анча кам миқдорда иш ҳақи олишар экан. Комиссия ҳукуматга бу ноҳақликни тўғрилаш ва аёллар олмаган пулни қайтариб беришни тавсия қилган. Агар Канада ҳукумати инсон ҳуқуқларига тўғри муносабатда бўлса ва комиссия тавсиясини рад этмаса, давлат ҳизматидаги аёллар 3 миллиард атрофида компенсация (туланмаган ҳақ) олишлари керак.

ana shunaqa gaplar...

Бекобод тумани ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими ҳаммаси Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи О.А.Тожиёва ўғли Денис ТОЖИЕВ вафоти муносабати билан таъзия изҳор этди.

Бекобод туманидаги Шевченко номи 6-мактаб жамоаси Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи О.А.Тожиёва ўғли Денис ТОЖИЕВ вафоти муносабати билан таъзия изҳор этди.

ma'donchasi

МАҲОРАТ КЎРИГИ

Қарши шаҳрида Баҳодир Бердиев хотирасига бағишланган аъъанавий бокс турнири бўлиб ўтди. Унда 13-14 ва 15-16 ёшли ўсмирлар ўз маҳоратларини синовдан ўтказишди. Қўлибларга соғвғалар тошпирилди.

РОНАЛДО РЕСТОРАНИ

ЖЧ-98 да омади юршимаган суперфутболчи Роналдо эндиликда тижорат ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Унинг Рио-де-Жанейро шаҳрида «R-9» деб номланган олий тойфали ресторани ишга тушди. Ёшларнинг сеvimли масканига айланиётган бу жой «юлдуз»га қатта даромад келтириши мумкин.

КИММАТБАХО ФУТБОЛЧИ

Франсияда ўтган жаҳон чемпионатининг кашфиёти англик 18 ёшли Майкл Оуэн дунёнинг энг қимматбаҳо футболчисига айланди. Унга «Ливерпуль» клуби 100 миллион АҚШ доллари миқдорда нарх белгилади.

ОСИЁ ҚИЗИ ЕВРОПАНИНГ ЧЕМПИОНИ

Латвияда бошланган буйица ўтказилган Европа чемпионатида республикамиз вакиллари ҳам иштирок этишди. Наманганлик Муҳаббат Қондақова уч миң метр масофага икки жойда нитонга ўқ ўзиб, югуриш буйица биринчи ўринни қўлга киритди ва иккинчи бор Европа чемпиони бўлди.

КУЧЛАР ТЕНГ, ОМАД-ЧИ...

Бугун «Пахтакор» марказий ўйингоҳида Ўзбекистон кубогининг финалида «Нефтичи» ва «Навбахор» жамоалари ўзаро беллашди. Иккала жамоа ҳам ўтган 7 йил давомида икки марта мамлакат билдур совринини қўлга киритган.

Dil izhori

Мен бугун бахтирман. Негаки, менга юртимиз мустақиллиги дунё қуриш саодатини берди. Мен кўпгина дугона ва уртоқларим билан АКСЕЛС ўқув дастури танловида голиб чиқиб, Америка Қўшма Штатларида ўқиш имкониятини қўлга киритдим. Биз Наманган вилоятининг Задаре туманиданмиз. Ойлада уч фарзандимиз. Отам оддий механизатор, онам уй бекаси. Акам ҳам ўтган йили истиқлолимиз туғайли Кореяда бўлиб қайтган эди. Мен бизларнинг дунё қуриб, дунёлар яратишимизни эркинлик берган бахт деб биламан. Биз АҚШда «чыло» баҳоларда ўқиб, мустақил Ватанимизга зур муваффақиятлар билан қайтамиз, дея

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

сизларни ишонтирмаман. Илоё эркинлигимиз, истиқлолимиз абадий бўлсин! Жонажон Ўзбекистонни соғиниб,

Гулшан ЮНУСОВА, АҚШ, Арагона штати

Хушбахарни эшитдим, энтиқиб кетдим. Юратимда Ватан туйғуси дарё каби жўшди. Ахир оддий бир талаба сифатида Лондонга бориб ўқиш бахтига муяссар бўлдим-да. Яқинда Англия мени уз бағрига олади. Муस्ताқил юртинг фарзандиман. Биз ёшларнинг илм эгаллашимиз учун барча шароитлар муҳайё этилганини қўрмайсизми?! Айрим тенгшолларимга қарата мурожаат қилим келади: «Сиз замонадан нотаман, омадсизликлар учун замонани еки бошқаларни айбланман! Айбни узингиздан ахтаринг!»

Холида АБДУКАРИМОВА, Фарғона Давлат политехника институтини талабаси, «Умид» жамғармаси совриндори

ЎЛКАМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Муस्ताқил Ватанимиз буйлаб сайр қилиш олат тусига кириб, ҳар йили миллионлаб болалар ва ўқувчи-ешлар саъятларида қатнашмоқдалар. Сайр қилиш ўқувчи-ешларнинг олган билимларини муस्ताқамлайд, уларнинг яхши ўқишларига ердан беради.

Халқ таълими вазирлиги республика ёш савҳатчилар ва ўлкашунослар маркази, «Камолот» республика ёшлар жамғармаси, Ўзбекистон Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда унинг самаралорини ошириш туғрисидаги Фармонини бажариш борасида Қашқадарё вилоятидан 17 миңга яқин ўқувчи-ешларни ўлкаамизнинг тарихи, тарихий ёдгорлиқлари, урф-одатлари, маданиятини уз қўзларни билан қуриб, урғаниб, уларнинг онгини, дунёқарашини кенгайтириш мақсадида республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрига ва тарихий обидаларга бой шаҳарларда мунгазам экскурсия уюштирилди. Ўқувчи-ешлар мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларини, 7 йиллик туғта тайёргарликнинг боришини уз қўзлари билан қуриб, мамлакатимизнинг қудратига яна бир бор ишқор бўлдилар. Улайимизки, шикоримизнинг ушбу таассуротлари бир умр еллариде сақланиб қолади.

Ш.НАЗАРОВ, халқ таълими аълочиси

Tadbir

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА

Пойтахтдаги Темирийўлчилар маданият саройида «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК таълим-тарбия муассасалари педагогик ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда компанияга қарашли таълим муассасаларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Кенгаши «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раиси ўринбосари Д.Рахимов кириш сўзи билан очди. Йиғилишда компаниянинг мутасадди ходимларидан А.Урмонов «Компания халқ таълими муассасаларининг 1997-98 ўқув йили иш якунлари ва педагогик жамоаларининг «Таълим тўғрисида»ги Конун ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» бўйича бажарадиган вазифалари», А.Қушнер «Компания таълим-тарбия муассасаларининг санитар-эпидимологик аҳоли», А.Алиев «Болалар соғлигини сақлаш бўйича халқ таълими муассасалари

раҳбарлари ва шифокор-санитар тизими олдида қўйилган масалалар», С.Зеленин «Компания корхоналари ва муассасаларида ишлаб чиқариш хавфсизлиги ва раҳбарлар томонидан хавфсизликни таъминлаш», А.Хуршуд «Компания мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида Давлат тилини ўрганиш моҳияти», шуниңдек, Халқ таълими вазирлиги мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Х.Аҳмедова «Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълимнинг ривожланиши», Тошкент бекатидаги 11-болалар боғчаси мудири С.А.Ахмедов «Мактабгача таълим муассасаларида Оила йилига бағишланган тадбирларнинг бажарилиши», касабга уюшма маркази қўмита ҳуқуқий назоратчиси В.Ф.Колесников «Компания муассасаларида меҳнат кодексига амал қилиниши», Қарши бекати-

даги 43-мактаб илмий мудири Ж.Халилов «Мактаб ички назоратини ташкил этиш ва ўқувчилар билимини рейтинг тизимида баҳолаш», Халқ таълими вазирлиги назоратчиси М.Проход «Урта мактабларда ёшларни қақирқани тайёрлаш асосларини ўқитиш» ҳақида маъруза қилдилар.

Кенгаш қатнашчилари маърузалар юзасидан уз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шуниңдек, Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтини лектори, тарих фанлари доктори Р.Андронов халқаро ахвол тўғрисида гапирди.

Йиғилишда Тошкент бекатидаги 2-мактаб-интернат қошидаги «Ассалом, кўёш» гуруҳининг ёш хаваскорлари қўшиқ ва рақслари билан кенгаш иштирокчиларини хушнуд этдилар.

Д.ХУҲАЕВА

Tuhfa

УЛАРГА АТАЛГАН СОВФАЛАР

Мақтаб остонасига босилган илк қадам. Унинг соҳиби шуридаги кечмишлар аниқ тасаввуримда. Чексиз ҳаяжон, ҳавас, озгина ҳадиқ... Хотира ҳар қатига у лаҳзалар ўчмас муҳрланган. Ҳануз унинг ёғдусини хиралаштира оладиган унингдек бегубор онларни учратолмадим. Биров унга шу лаҳзалардагина гўдаклик тасаввурларида қотган гаройиб эртаклар олами мавжуд ва унинг маскани шу ерда деса чиппа-чин ишонди. Ишонгани учун ундан, албатта, қандайдир мўъжиза кутади. Шу мўъжиза рўй берадими? Шу лаҳзалардан бошлабқоқ уларни қаршилаётган билимлар оламининг ўзи мўъжиза. Дастлабки хайрату ҳаяжон ўзлари хаёл қилганларининг амалга ошаётганидан бошланади. Бу 1-синф ўқувчиларига берилдиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг аъъанавий совғасидир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотга кўра, Президентимиз совғаси: сумка, дафтар (12 донга), рўчка, оддий қалам,

рангли қаламлар жамламаси, ўчирғич, елим, пеналь, рангли қоғоз, расм дафтар, пластилин, бўёқ ёки фламмастер сингари 12 номдаги буюмлардан иборат бўлади.

Аслида бу совға қийматини моддийликдан ҳам кўра мураккаб қалбларга айна зарур дамда бераётган руҳий мадади белгилайди. Зеро, уша онларда сезгир, таъсирчан қалб эгалари ўзига бўлаётган ҳар қандай муносабатни ўта жиддий қабул қилади. Шу аснода ўзларининг чуқур билим олишларини барча хоҳлашини англаб етади. Бу ҳақиқатни англаш ва англаштиш жуда муҳимдир. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Маълумки, шу йилдан ўқув дарсликларини пуллик бўлди. Лекин 1-синф ўқувчилари барча дарсликларни ҳам совға сифатида олади.

Рустам БОЙМАТОВ, «Маърифат» муҳбири

ҚАТРАЛАР

Қўша қундуз кун одамлар қуз олдига турли қинғирликларни амалга оширасан. Кейин эса покликдан, тўғриликдан лоф урасан. Сен ҳамма нарсани биласан. Ҳамма нарсани биласан, ҳамма нарсани қурасан. Аммо, ҳамма қуриб турган бир нарсани қурмайсан.

Сиз тунув кунги гапингизда «Жимитдек бошинг билан фалсафа тўқини сенга ким қўйибди!» — деб қиноя қилдингиз. Нима, фалсафа тўқини учун сизникидек қатта бош керак эканми?

Қучада баногоҳ сузи учратдим. Жуссанг қичрайиб, қуларинг ичичига ботган. Мултираб боқасан. Одамлар эса сенга қайрилиб ҳам қарашмаяпти. Шу қуларни мансаб курсисиде утирганинда эсласан бўлмасмиди?! Бир кун келиб, бу курсидан тушшининг билмасмиди?! Бир вақтлар узинг масҳаралаган уша одамлар, букун сени уз қаторларига олишга-да, нуномосий қурибди:

Ассалому алайкум, акашон! Меҳрибон ВОИСОВА, Ҳазорасп туманидаги 5-мактаб ўқитувчиси

Мақтабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курсида 1998 йил сентябрь ойида навбатдаги курслар ўзбек ва рус тилларида иш бошлайди.

Унга қуйидаги мактабгача тарбия муассасаларининг мутахассислари тақлим қилинади:

- 1. Мақтабгача тарбия муассасаларининг мудири - 2.09.1998 йилдан 29.09.1998 йилгача
2. Мақтабгача тарбия муассасаларининг услубчилари - 2.09.1998 йилдан 29.09.1998 йилгача

ҚИСКА МУДДАТЛИ КУРСЛАР

- 3. Мақтабгача тарбия муассасаларининг логопедлари - 2.09.1998 йилдан 15.09.1998 йилгача
4. Тажриба-синов ишлари олиб бориладиган мактабгача тарбия муассасаларининг экспериментаторлари, кабинет мудирилари, тажриба-синов майдон мудирилари учун қиска муддатли курс: 3-5 сентябрь кунлари.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади. Курс қошида болалар хонаси мавжуд.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Талабалар шаҳарчаси бекати, троллейбус: 8, 4, 3. Автотуслар: 28, 34, 87, 116.

Ma'rifa

ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Навбатчилар: Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Норали ОЧИЛОВ

Газетани IBM компьютерида Лилия Бинашева ва Абдирасул Нарманов саҳифалади

Рўйхатдан ўттиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдилар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58. «Шарқ» наприёт-матбаа кооператив босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.